



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2023 йил 4 июнь, № 114 (8457)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МУНОСАБАТЛАРИМИЗ ҚАРДОШЛИК ИЛДИЗЛАРИДАН КУЧ ОЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июнь куни амалий ташриф билан Анқара шаҳрида бўлиб, жорий йил 28 майдаги сайловда Туркия Республикаси Президенти этиб қайта сайланган Режеп Таййип Эрдоғаннинг инаугурация маросимида иштирок этди.

Эсенбоға халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Туркия ҳукумати вакиллари ва Анқара музофоти раҳбарияти кутиб олди.

Тадбирда дунёнинг 80 га яқин мамлакатлари вакиллари — давлат ва ҳукумат раҳбарлари, парламент спикерлари, юқори даражадаги расмий шахслар ҳамда Туркия давлатлар ташкилоти, Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар раҳбарлари қатнашди.

Маросим чоғида Президентимиз

Туркия етакчисини сайловдаги ғалабаси билан яна бир бор қўлаб, лавозимга киришгани билан табриқлади, Туркия халқига катта муваффақиятлар ва фаровонлик тилади.

Тадбир доирасида давлатимиз раҳбари маросимга таклиф этилган мамлакатлар етакчилари ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан фикр алмашди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга ташрифи якунланди.

Ўз.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон — Туркия:

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК

Туркия Республикаси Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги энг муҳим стратегик ҳамкорларидан бири. Қардош мамлакатдаги ҳар бир воқеалик, ҳар бир ўзгариш ва жараёнлар бизни берафқ қолдирмайди.

барлигида Туркия Жумҳуриятининг халқаро майдондаги обрў ва нуфузи кескин юксалди. Давлатнинг глобал иқтисодийёт ва сиёсатдаги ўрни ҳамда таъсири изчил ортиб бормоқда. Замонавий ва қудратли Туркиянинг бугунги барча ютуқларида ва эришяётган улкан марраларида амалдаги мамлакат Президентининг катта хизматлари борлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Айнан унинг раҳбарлигида Туркиянинг Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан муносабатлари юксак босқичга кўтарилди.

Бугун Туркия дунёнинг иқтисодий ривожланган йиғирматалигига кирувчи, қудратли иқтисодийётга эга бўлган, қурилиш сектори, туризм, оғир ва енгил саноати ўта ривожланган, замонавий ҳарбий технологиялар бора-бора қайратли ютуқларга эришяётган давлат ҳисобланади.



Ришталар

Шу маънода айтганда, 28 май куни Туркия Республикасида бўлиб ўтган Президент сайловининг иккинчи босқичи ҳам қизгин кечганининг гувоҳи бўлдик. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Президент Режеп Таййип Эрдоғанни бўлиб ўтган сайловда эришган ишончли, тарихий ғалабаси билан самимий қўлабди.

Президентимиз эътироф этганидек, сайловнинг иккинчи турида сайловчилар иштирокининг юқори даражаси ва овоз бериш натижалари қардош Туркия халқи амалдаги давлат раҳбарининг сиёсати ва ислохотлар дастурини қўллаб-

қувватлаётганининг ишончли ифодаси эканини кўрсатди.

3 июнь куни эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан Анқара шаҳрида бўлиб ўтган инаугурация маросимида иштирок этди.

Туркиядаги Президент сайлови дунё ҳамжамияти ва Ўзбекистонликлар диққат-эътиборида бўлди. Унда амалдаги давлат раҳбари Режеп Таййип Эрдоғаннинг кўли баланд келди.

Ҳеч шубҳасиз, сўнгги йиғирма йилда Эрдоған раҳ-

Марказий Осиё — Европа Иттифоқи:

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР, МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2 июнь куни Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» иккинчи саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи (ЕИ) давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳақида маълумот берди. Остонада ўтган биринчи учрашувдан сўнг ўтган қисқа даврда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси давлатлари ва европалик шериклар ҳамкорлигидаги ижобий, сифатли ўзгаришларни қайд этди.

Дунё нигоҳи

Президент Шавкат Мирзиёев икки минтақа ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, хусусан, савдо-сотиқ, транспорт йўлақлари боғлаш, сарможий ва технологик шериклик, рақамли алоқа, иқлим муаммоларига қарши курашиш ва туризмни ривожлантиришга алоҳида тўхталиб ўтди.

Учрашув якунлари ва Ўзбекистон Президентининг нутқи халқаро ижтимоий-сиёсий ҳамда эксперт-

таҳлил доиралари ўртасида кенг резонансга сабаб бўлди. Муносабатларда бугунги кунда Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани ҳамда улар айна пайтда ўз тараққиётининг ҳал қилувчи даврини бошдан кечираётгани ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон минтақалараро ҳамкорлик жараёнида муҳим ўрин тутиши ҳамда кўп жиҳатдан мам-

лакатимизнинг изчил ички ва ташқи сиёсати туфайли бугун Марказий Осиё минтақаси учун янги истиқболлар очилаётгани қайд этиляпти.

Йоанна Маршалек-Кава, Николай Коперник университетининг Сиёсий ташкилотлар кафедраси мудири, профессор (Польша):

«Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» форматидаги мавжуд муносабатлар ҳамда Ўзбекистон раҳбари ва Европа Кенгаши Президенти Шарль Мишель ўртасидаги учрашув ва музокаралар натижаларидан кўрини бошдан кечираётгани ҳақида ўтган мазкур учрашув — бу Евроосиё китъасининг икки энг муҳим минтақаси ўртасида савдо-иқтисодий, сарможий, илмий-техникавий ва гу-

манитар ҳамда хавфсизлик соҳаларида, шунингдек, ҳар томонлама тенг ҳуқуқли ва ишончли шериклик ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган.

Иккинчи саммит натижалари уни ютуқ деб аташга асос бўлиб, Марказий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи ўртасида янги турдаги муносабатларни шакллантириш ҳақида гапиришга имкон беради. Чунки у Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик доирасида йирик устувор лойиҳаларни амалга ошириш имкониятини очди.

Бугунги кунда ушбу муносабатлар барқарор бўлиб, улар ҳозир ўз тараққиётда ҳал қилувчи даврни бошдан кечирмоқда. Сиёсий соҳада ҳар икки минтақа давлатлари ўртасида юқори даражадаги ўзаро ишонч ўрнатилган, иқтисодийётда улар бир-бири учун муҳим ҳамкор ҳисобланади.



МУАММОЛАР ЕЧИМИДА

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ЗАРУР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан мактабгача таълим қамровини ошириш, янги боғча ўринларини яратиш, боғчалар сонини кўпайтириш, улардаги таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги Андижон, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибидея ўрганиш якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Ўрганиш

Таъкидланганидек, соҳада амалга оширилган ислохотлар натижасида бугунги кунда юртимизда 6598 та давлат, 833 та хусусий, 1313 та давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асо-

сида, 20676 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритмоқда. Эътиборлиси, мактабгача (3-7 ёш) ёшдаги 2,9 млн. нафар бола-лардан 2,1 млн. нафари

мактабгача таълимга қамраб олинган.

Қайд этилганидек, 2023 — 2027 йилларда Инвестиция давлат дастури доирасида 295 та 49140 ўринли янги қурилиш, 711 та 77180 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилотларида реконструкция ишларини амалга ошириш, 69 та 7015 ўринли давлат-хусусий шериклик асосида, 11513 та 481362 ўринли оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда 49 та мобил гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйиш орқали болаларни қамраб олиш кўрсаткичини 2027 йил якунига қадар 80 фоизга етказиш кўзда тутилган.



САОДАТ ЭШИКЛАРИНИ ОЧУВЧИ КАЛИТ

Шу йил 30 апрель куни юртимизда муҳим сиёсий жараён — янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси бўйича ўтказилган референдумда халқимиз ўз келажиги, мамлакатимиз эртаси учун овоз берди. Шу тариқа Ўзбекистон Конституциясига «дунёвий ва ижтимоий давлат» таърифи киритилди, ўзбек халқининг фаровон келажигини таъминлашга қаратилган эркин бозор иқтисодиётининг асослари мустаҳкамланди, интеллектуал мулкдан тортиб инклюзив таълимгача бўлган муҳим ҳуқуқлар қафолатланди.

Нуктаи назар

Асосий Қонунимиздаги муҳим ўзгаришлардан бири, шубҳасиз, ёшлар камолотини таъминлашга, таълим тизимини янада ривожлантиришга қаратилган янгиланишлардир. Пировардида юртимизда таълимга, ўқитувчига эътибор янада кучайди. Конституцияда ўқитувчининг мақоми муҳр-

ланди. Бепул таълим олиш ҳуқуқи мустаҳкамланди. Конституциянинг 50-моддасида «Хар қим таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди.



Ўзбекистон — Туркия: ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК



1991 йилда Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини эълон қилганда, Туркия биринчи бўлиб Ватанимиз мустақиллигини тан олди. Тўғри, кейинчалик муносабатларда юксалш ва пасайиш даврлари ҳам бўлди. Аммо айнан Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг 2016 йилда Самарқандга таърифи тарихий учрашув сифатида баҳоланди ва шундан кейин икки давлат муносабатларидаги янги босқич амалда тезда билана бошлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Бунда, аввало, икки давлат раҳбарлари ўртасидаги яқин дўстлик, ишонч ва ҳурмат муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш мумкин, бунда икки давлат раҳбарларининг 2016 — 2020 йиллар мобайнида жами етти марта учрашгани алоҳида ўрин тутди. Бундан ташқари, 2022 йилда расман уч марта учрашув ўтказилди. 29-30 март кунлари Тошкентда, 15-16 сентябрь кунлари Самарқандда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммитида (бу учрашувда Туркия раҳбари Ўзбекистоннинг энг нуфузли мукофотларидан "Олий даражали Имом Бухорий" ордени билан тақдирланди) ва бунинг ортидан

10-11 ноябрь кунлари бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммитида икки давлат раҳбарлари яна бир бор учрашишди.

2023 йил ҳисобидан эса Туркиянинг Жанубида бўлиб ўтган машъум зилзиладан кейин, 15 март куни Анкарада икки давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Кўрииб турибдики, Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги учрашувлар жадвали жуда ҳам тизим ва оддий айтганда, давлатлар ўз тарихидаги энг маҳсулдор йилларини яшамоқда.

Боз устига Президент Шавкат Мирзиёев 21 йиллик танаффусдан кейин 2017 йилда Туркияга давлат раҳбари даражасида расман ташриф буюрган Ўзбекистоннинг илк Президенти сифатида ҳам тарихда қолганини алоҳида эслаб ўтмоқ жоиз. Ўзбекистон раҳбарининг бу таърифи, умумий тарих ва маданий меросга эга бўлган мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтирувчи омил бўлди. Бу таърифдан сўнг 2016 йилда қайта тикланган муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон етакчисининг 2020 йил февраль ойидаги Туркияга таърифи эса Президентлик Миллий кутубхонасининг очилиш маросимида мавжуд амалга оширилгани жуда муҳим аҳамият-

га молик бўлди. Бу борада Туркия Президенти ўз нутқида алоҳида тўхталиб ўтганидек: "Илмлари, ижодлари билан дунёга эзгулик улашган Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Али Қушчи, Алишер Навоий каби буюкларимиз тупроқларидан салом келтирган бу инсонларнинг ташрифи биз учун жуда азиз ва қадридлир. Ўзбекистон билан муносабатларимиз мустаҳкам қардошлик ришталари-га таянган ҳолда стратегик шериклик даражасига кўтарилганини эътироф этамиз".

“Бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Бунда, аввало, икки давлат раҳбарлари ўртасидаги яқин дўстлик, ишонч ва ҳурмат муҳим аҳамият касб этмоқда.”

Айни ташрифнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, унинг доирасида Ўзбекистон — Туркия стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик қўламини йил сайин кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон ва Туркия Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти каби тузилмаларда бир-бирини ҳар доим қўллаб-қувватлаб келади, дунёда тинчлик ва ҳамкорлик борасида доим ҳамфикр.

Глобаллашётган дунёда давлатлар ва жамиятлар яшовчанлигини таъминлашнинг асосий шарт — кучлар ва имкониятларни бирлаштириш. Шу маънода айтганда, Ўзбекистоннинг 2019 йилда Туркий тили давлатлар ҳамкорлиги (ҳозирги Туркий давлатлар ташкилоти)га аъзо бўлиб киришининг аҳамияти ҳам катта бўлди. Зеро, бундай ташкилотлар фақат сиёсий мавзулар билан машғул бўлиб қолмасдан, кўпроқ маданий мерос ва ҳамкорлик муносабатларига жиддий эътибор қаратаётгани эътиборга молик.

Туркия Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, минтақамиз мамлакатларининг иқтисодий интеграциялашуви ва барқарор ривожланишига қаратилган ташаббусларини ҳамма қўллаб-қувватлаб келади.

Икки давлат раҳбарларининг барча учрашувидаги энг муҳим

ҳажми кундан-кунга ортиб бормоқда. Айни пайтда Туркия Ўзбекистоннинг энг кучли бешликка кирувчи тижорат ҳамкори ҳисобланади. 2022 йили Туркия Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида ўзаро тижорат ҳажмини 10 млрд. долларга етказиш ва туркиялик инвесторларнинг мамлакатимизга сармоялари ҳажмини жиддий ошириш борасида келишувга эришилди.

Ўтган йиллар мобайнида Тошкентдаги Эски шаҳар туризм ҳудуди, Тошкент сити, Чорвоқ тоғли ҳудудидаги туризм иншоотлари лойиҳасини ушбу ҳамкорликнинг амалий ифодаси дейиш мумкин. Бундан ташқари, Самарқандда ҳам уй-жой қурилиши борасида катта лойиҳаларга келишилган.

Заминимиз қадим маданияти ва тарихий обидалари билан туризмни ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Туркия транспорт, логистика, хизмат кўрсатиш борасида ҳавас қилувчи Европа стандартидан ҳам юқори даражадаги муваффақиятларга эришмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида бу соҳалардаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланипти.

Айни чоғда мамлакатларимиз раҳбарларининг деярли ҳар учрашувида, саммитларда ҳозирги эришилган даража, савдо қўламини ёки бошқа йўналишлардаги ҳамкорлик салоҳиятидан етарли фойдаланилмагани, олинганда катта истикбол мавжудлиги тилга олинди. Ўзбекистон ва Туркия давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли томонлар ана шу салоҳиятдан унумли фойдаланишга интилиши, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда янада жадал тус олишига ишонимиз. Бу Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги қадимий ришталар янада мустаҳкамланиб, янги мазмун билан бойиб бораётганида, икки мамлакат ҳамкорлиги ўзаро ишонч ва тенглик, манфаатдорлик руҳида изчил ривожланаётганида намоён бўлаётган, десак, айни ҳақиқат.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» шарҳловчиси.



МУАММОЛАР ЕЧИМИДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ЗАРУР

Кўмига аъзолари томонидан Андижон, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида болаларни мактабга таълимга қамраб олиш кўрсаткичи таҳлили ўрганилганда куйидаги аниқланди.

Хусусан, Андижон вилоятида 547 та давлат, 19 та хусусий, 203 та ДХШ асосидаги, 229 та оилавий нодавлат мактабга таълим ташкилоти кўрсаткичи таҳлил қилинганда 77 296 нафар болаларни 10 966 нафар давлат-хусусий шериклик асосидаги, 32 561 нафар оилавий, 488 нафар нодавлат мактабга таълим ташкилотларига қатнамоқда.

Тадбирда қайд этилганидек, 2023 йилда қиймати 5,0 млрд. сўмлик 1 та 360 ўринли янги давлат мактабга таълим ташкилоти қуриш, 7 та объектда 25,9 млрд сўмлик реконструкция ишларини амалга ошириш ҳисобига 2023 йил якунига қадар вилоятда болалар қамровини 79,5 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Муҳокамаларга бой бўлган йиғилишда депутатлар томонидан ўрганиш давомида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тақлиф ва тавсиялар берилиб, ушбу масалалар юзасидан самарали парламент назоратини амалга оширишга келишилди.

Йиғилиш якунида кун тартибидagi масала юзасидан кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Инфратузилма

ҚУЛАЙ, ШИНАМ, ЗАМОНАВИЙ

Самарқанд шаҳрига Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг "Яшил шаҳар" лойиҳаси доирасида Хитойда ишлаб чиқарилган 75 йўловчи сити-мига эга бўлган 100 та электробус олиб келиниши белгиланган эди.

Шу кунларда улардан 6 таси келирилди ва кўна кентнинг "Аэропорт — Темирйўл вокзали" йўналишида йўловчиларга хизмат кўрсатишни бошлади.

Электробуслар шинам, қулай ва аτροφ-мухитга мувофиқ зарарсиз транспорт воситалари ҳисобланади. Ушбу жамоат транспорти воситалари имконияти чекланган фуқаролар учун ҳам махсус ўриндиқлар, видеокузатув камераси, автоматик ҳаво навлигини сақлаш ва иситиш тизими билан жиҳозланган.

Бугунги кунда электробусларга автосарой ташкил қилинган, — дейди Самарқанд вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи Ақобир Ашуров. — Қувватлантириш ускуналари ёрдамида электробуслар 4 соатда белгиланган қувватни олади ва 300-350 километр масофа юради.

Таъкидлаш ўринлики, кейинги йилларда табиат, аτροφ-мухитни зарарли моддалар таъсирини асраш учун "яшил" энергетикага ўтиш энг мақбул ечимлардан бири сифатида қаралмоқда.

— Ҳар кун жамоат транспортини фойдаланман, — дейди Самандар Қўшқов. — Халқимизга бу каби замонавий электробуслар хизмат кўрсата бошлаганидан бехад мамнунимиз.

Самарқанд — туризм шаҳри. Хориждан келадиган сайёҳ меҳмонлар борки, шаҳардаги ўзгаришлар, кенг қўламлиги оёқдорлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, муқаддас қадимжоларни эътироф этиш билан бирга, эндиликда жамоат транспортини бундай қулайликлардан ҳам мамнун бўлиши, шубҳасиз.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

Ғамхўрлик

ҚАШҚАДАРЭДА 35 ТА БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида Қашқадарёда 35 та мактабга таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

Хусусан, Қўқдала туманининг "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 6-давлат мактабга таълим ташкилотининг очилиш маросимида Қашқадарё вилояти ҳокими Муртожон Азимов иштирок этиб, ота-оналарни, болажонларни ушбу муҳташам замонавий муассаса фаолият бошлагани билан табриқлади.

Муассаса 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда яратилган шарт-шароитлар билан танишар экан, вилоят раҳбари болажонларнинг таълим ва тарбия олиши ҳамда ходимларнинг сама-

рали фаолият юритиши учун барча имкониятлар мавжудлигини таъкидлаб, ёш авлод камоли йўлида давлатимиз томонидан катта ғамхўрликлар қилинаётганини айтиб ўтди.

2017 йилда вилоятда мактабга таълим ташкилотлари сони 326 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб боғчалар сони 3 мингдан ошган. Бунинг самараси ўлароқ вилоятда 3 — 7 ёшли болаларнинг боғчага қамров даражаси 60 фоизга етди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

Марказий Осиё — Европа Иттифоқи:

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР, МУҲИМ ТАШАББУСЛАР



Ўзбекистонни алоҳида оладиган бўлсак, Европага Ўзбекистон керак бўлганидек, мамлакатга ҳам Европа кераклиги аниқ. Ва бу муболага эмас. Мазлумки, Польша Европа Иттифоқининг бошқа давлатларига қараганда ўзбек тўқимачилик маҳсулотларини кўпроқ сотиб олади ва икки йил кетма-кет Ўзбекистон маҳсулотларини биринчи импорт қилувчи бўлиб келмоқда. Польша тўқимачилик саноатини Ўзбекистон маҳсулотларисиз қўллаб-қувватлаб бўлмайди.

Колварес, Марказий Осиёдан Европа давлатларига йўлда энг муҳим транспорт-коммуникация омили ҳисобланади.

Европанинг Марказий Осиё мамлакатлари учун жозибадорлиги Европа Иттифоқи мамлакатлари муносабатлар марказида ҳеч қандай сиёсий талабларни қўймаган ҳолда сармоя ва ноу-хау тақлиф этиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг саммитдаги иштироки мамлакатнинг кенг қамровли қудрати ва халқаро рақобатбардошлигини ошириш, қўшма инновациялар, нафақат Ўзбекистон — Европа, балки инновацион ҳамкорлик учун кўп томонлама мулоқот платформасини яратиш, инновациялар Марказий Осиё ва Европа давлатлари ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг янада кучли ҳаракатлантирувчи кучига айланиши учун ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш имконини беради.

Ежи Шукальский, Польша Табиий ва гуманитар фанлар университети профессори, Марказий Осиё бўйича мутахассис:



— Марказий Осиёнинг асосий давлатлари — Ўзбекистон ва Қозғоқистон халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар доирасидаги муҳим музокаралар учун доимий платформани ифодалагани учун халқаро дипломатия марказларига айланади.

Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари раҳбарларининг Қирғизистонда бўлиб ўтган иккинчи саммити якунларини

Марказий Осиё ва ЕИ давлатлари раҳбарларининг ана шундай форматда учрашгани туфайли муваффақиятли ва тарихий деб аташ мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Европа Кенгаши Президенти Шарль Мишелнинг учрашуви 2022 йил октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган музокара ва эришилган келишувларнинг мантиқий давоми бўлди.

Европа Иттифоқининг юқори мартабали расмийси ва Ўзбекистон раҳбарининг алоҳида учрашуви ЕИ учун расмий Тошкент Брюсселга нақадар муҳим эканини тасдиқлайди.

Европа Иттифоқи Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда ўнлаб йиллар давомида тўпланиб қолган қатор муаммоларни ҳал этиш ва минтақавий ҳавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди ва қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистоннинг ЕИ давлатлари, жумладан, Польша билан савдо айланмаси мамлакат «GSP+» имтиёзли савдо тизимига киритилганидан кейин фаол ўсиб бормоқда.

Янги Ўзбекистонда кенг қўламли ислохотлар стратегияси давом этар экан, Европа Иттифоқи расмий Тошкент билан амалий ҳамкорлик ва алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Шу боис Брюссель Ўзбекистон томонининг «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» учинчи саммитини 2024 йилда Ўзбекистонда ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Ишончим комилки, Қирғизистондаги саммит якунлари Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши учун яхши асос бўлиб хизмат қилади.

Карлос Уриарте, «Паневропа иттифоқи» ижтимоий-сиёсий ҳаракатининг Испаниядаги ёшлар қаноти раиси:

— Назаримда, ушбу саммит Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун ноёб ва муҳим майдондир.

Яширмайман, сўнгги беш йилда Ўзбекистон ҳам МДҲ, ҳам Марказий ва Жанубий Осиёнинг бошқа халқаро форматларида ўз фаолиятини сезиларли даражада фаоллаштирди. Ишончим комилки, буни мамлакатда яқинда бўлиб ўтган ва бўлажак глобал воқеалар тасдиқлайди.

Умуман олганда, ЕИ ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ўсиб бораётган динамикаси истиқболдаги стратегик ҳамкорлик учун салмоқли салоҳият мавжудлигини тасдиқлайди.

Шунингдек, Европа томони, Ўзбекистон-



нинг савдо тўсиқларини бартараф этиш ташаббусини, республиканинг ЖСТга тезроқ аъзо бўлишини қўллаб-қувватлаш ва ишонч билдирмоқчиман.

Айтганча, ушбу йўналишда биринчи қадам аллақачон қўйилган. ЕИ Ўзбекистоннинг халқаро конвенцияларга қўшилиши, жумладан, аτροφ-мухитни бошқариш ва инсон ҳуқуқлари каби соҳаларда эришган ютуқларини эътироф этган ҳолда Ўзбекистоннинг савдо имтиёзлари «GSP+» тизимидан фойдаланиш имкониятини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Ўйлаيمانки, дунё мисли кўрилмаган сиёсий ва иқтисодий муаммоларга дуч келётган бугунги кунда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бизнес тузилмалари билан янги алоқалар ўрнатиш, инвестиция, савдо ва логистика соҳаларида ҳамкорликни фаоллаштириш бўлиши керак.

Шу билан бирга, ҳамкорлик иқтисодий масалалардан ташқарига чиқиши шарт. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Чўлпонотадаги нутқида таъкидлаганидек, ушбу ҳамкорлик таълим, соғлиқни сақлаш, иқлим, рақамли ва «яшил» технологияларни қамраб олиши керак.

Меҳмет Сейфеттин Эрол, Анкара Инкироз ва сибсат тадқиқот маркази «ANKASAM» директори:



— Мен Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишини, айниқса, Ўзбекистоннинг ЕИ билан фаол ҳамкорлигини катта қизиқиш билан кузатаман.

Саммит доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Европа Кенгаши Президенти Шарль Мишель билан музокаралари Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини ташқи сиёсат соҳасида амалга оширишнинг мантиқий давоми бўлди.

Европа Кенгаши Президентининг янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган орта қайтмас демократик ўзгаришлар ва иқтисодий ислохотлар дастурини ҳар томонлама

«Дунё» АА.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ:

КЕНГ ҚАМРОВ ВА ЧЕКСИЗ ИМКОНИЯТЛАР

Аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил қиладиган юртимизда эртанги кун эгаларининг ҳаётида ўз ўрнини топиши учун муносиб шароитлар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантиришга қаратилган давлат сиёсати ҳақи равишида жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сабаб бўлмоқда.



оворагарчиликлардан халос эътидан рақамлаштирилган таълимга ўтишди. Бугунги кунда абитуриент исталган вақтда ўзи хоҳлаган бир неча ОТМга ҳужжат топшириши мумкин. Иштихон жараёнлари ҳам аввалгидек эмас. Ҳозир бу жараёнларга ҳеч ким аралаша олмайди. Қисқача айтганда, абитуриент ҳужжат топширишидан бошлаб то талаба бўлгунча, сунгра ўқишни тамомлаб, диплом олгунгача бўлган барча жараёнларда очкиклик, шаффофик таъминланмоқда. Натихада йилдан-йилга университетларнинг сифат кўрсаткичи яхшиланиб бормоқда. Сифатта таъмир қилувчи яна бир катта омил — бу олий ўқув юртлири сонининг ортиси. Холис баҳолайдиган бўлсак, бундан 3-4 йил олдин битирувчиларнинг атиги 9 фоизигина олий таълимга қаъраб олинар эди, ўтган йилда бу рақамлар 30 фоиздан ошди, жорий йилда эса янада ортиси кутилмоқда. Давлат тасаруфидати олийоқулар сони қўлайди, филиаллари очилди, бундан ташқари, хусусий университетлар ташқил этилмоқда. Натихада олий таълим муассасалари ўртасида рақобат кескин ортди. Дастлаб абитуриентларга бирданига 5 та ОТМга бир таълим шакли бўйича ҳужжат топшириш имкони яратилган бўлса, жорий йилдан эътиборан таълим шаклини (кундузги, кечки, сиртки, масофавий) ҳам эр-

кин танлашга рухсат берилди. Бу эса ишлаб чиқаришдан ажралмай ўқиш истагиди ёшлар учун айни муддао бўлди.

Катта ўзгаришлардан яна бири шукки, ўтган ўқув йилидан бошлаб хотин-қизларга алоҳида 2 мингта ва 5 йил стажга эга аёл мутахассисларга 500 та квота ажратилдиган бўлди. Хотин-қизларнинг давлат ва жамиятдаги фаоллигини ошириш мақсадида улар учун 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб янги тизим яратилди. Унга кўра, бакалавриятнинг кундузги шакли бўйича қабул параметринга қўшимча 2 мингта давлат гранти ажратилди. Ўшбу давлат гранти Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг тавсияномасини олган, олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар учун ташқил этилди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидида ҳам ана шундай имтиёз асосида 30 нафар қиз талабалика қабул қилинган. Ўшбу ёшлар билан олишига бўлган иштиёки, масъулиятли ва интизомли экани билан бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Шунинг баробарида улар жамоат ишларида фаол бўлиб, билдирилган ишонччи оқлашга, имкониётлардан максимал фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Магистратурага ажратилган қабул параметрлари доирасида базавий тўлов-шартнома асосида талабалика қабул қилинган хотин-қизларнинг тўлов-шартнома миқдорини давлат бюджетиди хисобдан тўлиқ қоплаш амалиёти ҳам яхши самара бермоқда. Магистратурада ўқиш истагиди хотин-қизлар сони ҳар йилдан кўп бўлди, илмий ишга лаёқати кучли, оқила қизлариниизга берилган ва берилмаётган ўшбу эътибор, рағбат ижобий натиха бермай қолмайди, албатта. Зеро, билмидон қизлар, аввало, она ва ўқилувчи, мураббийдир. Улар ёш авлоди тарбиялашда энг муҳим ҳалқани ташқил этади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида олий таълим даргоҳларида инклюзив таълимни қўллаб-қувватлаш, имкониёти чекланган ёшлар учун алоҳида шарт-шароитлар яратиш, улар жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун аниқ механизм асосида иш олиб боришни ҳам ўз зиммасига олган.

Олийоқуларга киришди имкониёти чекланган абитуриентлар учун алоҳида квота ажратилган. Лекин масала шу билан ҳал бўлмайди, чунки бундай талабаларни ўқитиш учун ҳам шароит яратиш зарур. Ногиронлиги бор шахлар турли тарафдан имкониёти чекланган бўлиши мумкин. Оёеи ёки қўли ишламайди ёшлар ўқушига боришга, мустақил ҳаракатлинига қийналади, кўзи охиж ёки эши-тилада нуқсон бор талабалар учун эса мутлаа масаласида, электрон таълимдан фойдаланишда қатор муаммолар ўртага чиқади.

Бу жиҳатдан ҳам қилинган ишлар анча салмоқли. Университетимиз мисолида айтатдиган бўлсак, ёш олима Мунаввара Қурбонова раҳбарлигида суный интеллект асосида биринчи ўзбек нутқ синтезатори яратилди. Дастур кўзи охижларга ўзбекча матн билан ишлаши учун мўлжалланган. Кўп бадийий китобларнинг аудио вариантлари бор, лекин ўқув қўлланмаларнинг аудио ёки кўзи охижларга мўлжаллаб чоп этилган вариантлари деярли йўқ, ҳисоби. Ёзган илмий китоблар Брайль алифбосида чоп этиладиган бўлса, жуда кўп ресурс қўлдан қўйилган бўлиб, бундан ташқари, хусусий университетлар ташқил этилмоқда. Натихада олий таълим муассасалари ўртасида рақобат кескин ортди. Дастлаб абитуриентларга бирданига 5 та ОТМга бир таълим шакли бўйича ҳужжат топшириш имкони яратилган бўлса, жорий йилдан эътиборан таълим шаклини (кундузги, кечки, сиртки, масофавий) ҳам эр-

Қисқача айтганда, ёшларни рағбатлантириш, интиллиларини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар сони ва сифати йил сайин ортиб бормоқда. Энг муҳими, ана шундай амалий ишларимиз тўғрисида ёшлар қўллаб-қувватлашга юқори марраларни забт этиб, юртимиз доврўгини дунёга таратишда муносиб ҳисса қўшмоқда.

Президентиимиз таъбири билан айтганда, бугун Ватанимизда учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улкан марраларни ўз олдимизга қўйганмиз. Бундай юксак мақсад йўлида ёшлар мамлакатнинг мустаҳкам таянчи, гулат қанотига айланиши зарур.

Олий таълимга талаба ва тақлифинг геометрик прогрессияда ўсиб бориши натихасида биз узок кутган таълимдаги соғлом рақобат муҳити ҳозирданок кўзга яққол ташланмоқда. Масалан, қўллаб олийоқулар томонидан республикадаги умумтаълим муассасалари, ихтисослаштирилган мактаблар, нуфузли академик лицейларнинг битирувчилари учун таълим кўргазмалари, оқиқ эшиклар кўни, тарғибот тадбирлари ўтказилляпти. Мақсад — иқтидорли ёшларни ўз таълим даргоҳига кўпрок жалб қилиш, муваффақиятли талабалар контингентини шакллантириш.

Тўғри, бу осон ва тез эгалланадиган марра эмас. Аммо ўтган етти йил ҳар қандай муаммони ҳал этиш, ҳамжиҳатликда ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтиш мумкинлигини кўрсатди. Шу маънода, ана шу давр Ўзбекистон тараққуёлида ҳаракатлар ва ўзгаришлар даври сифатида тарихга муҳрдан. Умид қиламики, жорий йилда ҳам энг билимли, энг ҳаракатчан, энг иқтидорли ёшлар олий таълим муассасалари талабаси бўлади ва келгусида яхши натихалар қайд этиб, давлат ҳамда жамиятининг барча бўғинида самарали фаолият кўрсатадиган етук мутахассисларга айланади.

Шухрат СИРОЖИДИНОВ, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, филология факультети доктори, профессор.

Реклама

2022/2023 O'QUV YILIDA O'ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIVA VA SPORT UNIVERSITETI BITIRUVCHILARI TO'G'RSIDA MA'LUMOT

Table with columns for university name, region, and student counts for various sports disciplines. Includes sub-sections for BAKALAVRIAT (KUNDUZGI) and MAGISTRATURA.

Ma'lumot uchun telefonlar: +99870-717-37-73, +99870-717-17-76, O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universitetining Talabalar amaliyoti va bandligini ta'minlash bo'limi. Manzil: Toshkent viloyati, Chirchiq shahri, Sportchilar ko'chasi, 19-uy.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, featuring contact information, subscription rates, and a QR code for digital access.